

Бекзодбек МУХТАРОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
таянч докторанти

АЛИ ИБН МУҲАММАД РОМИШИЙ БУХОРИЙ ВА УНИНГ “АЛ-ФИҚҲ АН-НОФЕЪ” АСАРИГА ЎЗГАН ШАРҲИ

Нажм ал-уламо (“Олимлар юлдузи”) номи билан танилган Али ибн Муҳаммад ибн Али Ҳамидулдин Ромиший Бухорий Ҳанафий Мовароуннахрлик фақиҳ, муҳаддис муфасссир олимлардан бири саналади. Олимнинг туғилган санаси ҳақида аниқ маълумотлар тарих китобларида келтирилмаган. Аммо олим исмидан келиб чикиб, Бухоро яқинидаги “Ромиш” (айрим манбаларда “Ромуш”) деган қишлоқда туғилганлигини билиб олиш мумкин. Табақот китобларида аллома Бухорода 666/667 х./1268 йилда Зулқаъда (баъзи китобларда Зулҳижжа) ойининг 8 (якшанба) куни вафот этганлиги айтиб ўтилган. У кишининг жаноза намозига қарийб эллик мингга яқин киши ҳозир бўлган. Жаноза намозига у кишининг улуғ шогирдларидан бири Абул Баракот Насафий имомлик қилган¹.

¹ Абулфидо Зайнулдин Қосим ибн Қутлубуғо Судуний. “Тож ут-тарожим” асари. – Байрут: Дор ал-қалам нашриёти, 1992. – Б. 34.

Ҳамидулдин Бухорийнинг устозлари қаторида ўз даврининг уламоларидан Шамсул аимма Муҳаммад ибн Абдуссаттор Кардарий (ваф. 642/1244 й.), у кишининг жияни ва шогирди Хоҳарзода Муҳаммад ибн Маҳмуд Бадриддин Кардарий (ваф. 651 х./1253 й.) ва Шамсиддин Аҳмад ибн Жамолиддин Убайдуллоҳ Маҳбубий (ваф. 630 х./1233 й.)лар зикр этилади. Бухорий улардан Ҳанафий фикҳининг усул ва фуруъ илмига оид китобларни бевосита ўрганади. Шу билан бирга умрининг охирига қадар кўплаб шогирдларга таълим беради. У тарбиялаган шогирдлар ўз даврининг етук уламолари бўлиб етишади. Уларга Жалолиддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Умар Бухорий (ваф. 668 х./1270 й.) Ҳофизиддин Абул Баракот Насафий (ваф. 710 х./1310 й.), Ҳисомиддин Али бин Ҳажжож Сиғнокий (ваф. 711 х./1311) каби Ҳанафий олимларини мисол келтириш мумкин².

Ромуший Бухорий талабаларга дарс бериш билан бир қаторда кўплаб мавзуларда китоблар таълиф этган. Уларга қуйидагиларни мисол келтириш мумкин:

1. “ал-Фавоид” номи билан аталадиган “ал-Ҳошия аъла ал-ҳидоя фий ал-фикҳ” асари³. Бу асар Бурҳониддин Марғинонийнинг “ал-Ҳидоя” асарига ёзилган биринчи шарҳ ҳисобланади.

2. “Шарҳ ал-манзумат ан-насафийя” асари. Бу шарҳ Бурҳониддин Насафийнинг “ал-Манзумат” асарига ёзилган.

3. “Шарҳ ал-жомеъ ал-кабир” асари. Бу асар машҳур Ҳанафий мужтаҳид уламоларидан бири Муҳаммад Шайбонийнинг “ал-Жомеъ ал-кабир” асарига ёзилган шарҳ саналади.

4. “Ҳошия китаб ан-нофеъ” асари.

5. “Шарҳ усул ал-Баздавий” асари⁴. Бу асар Ҳанафий фақиҳи “Фаҳрул ислом” номи билан машҳур Абул Ҳасан Баздавийнинг

² Муҳаммад Абдулҳай Лакнавий ал-Ҳиндий. “Фавоид ал-баҳийя фий тарожим ал-ҳанафийя” асари. – Қоҳира. Дор ал-кутуб ал-исламий нашриёти, 1324/1906. – Ж 1. – Б. 125.

³ Ҳожа Ҳалифа Мустафо бин Абдуллоҳ. “Кашфуз зунун ан асомия ал-кутуб вал фунун” асари. – Байрут. Дор ихё ат-турос ал-арабий нашриёти, 2008. – Ж 2. – Б. 2033.

⁴ Хайрулдин Зириклий. “ал-Аълам” асари. Ж 4. – Б. 333.

узуллул фикх илмига оид мўтабар китоблардан бири “Усул ал-Баздавий” асарига ёзилган шарх ҳисобланади.

6. “Китаб ал-кифоя” асари.
7. “Мухтасар ан-наҳв” асари.
8. “Китаб ал-аъруз” асари.
9. “Шарх ал-ғоят” асари.

10. “Шархун нофеъ” номи билан машҳур “ал-Манофеъ фий ал-фавоид ан-нофеъ”⁵ асари. Ҳанафий фақиҳларидан бири Муҳаммад ибн Юсуф Носируддин Самарқандийнинг “ал-Фикх ан-нофеъ” асарига ёзган шарҳи. Асарнинг иккита қўлёзма нусхаси мавжуд бўлиб, улардан биринчиси Ирландиянинг Дублин шаҳридаги Шастрибти кутубхонасида № 3442 ва иккинчи нусхаси эса Туркиянинг Истанбул шаҳридаги “Сулаймония” кутубхонаси “Отиф афанди” фондида № 1014 инвентар рақами остида сақланади⁶.

Ромиший Бухорий ўз шогирдларига “ал-Фикх ан-нофеъ” китобидан дарс беради. Шогирдларидан бири Абул Баракот Насафий устозининг дарслари жамлаб, “ал-Манофеъ фий ал-фавоид ан-нофеъ” номли китоб қилади ва уни устозига нисбат беради. Кейинчалик ўзи ҳам бу шарҳи бойитиб, “ал-Мустасфо” номли шарх ёзади. “Ал-Мустасфо” асари ёзилган санаси 665 ҳ./1267 йилга тўғри келади. Бу ҳақида шархнинг кириш қисмида қуйидагиларни айтиб ўтади: “Мен устозимнинг мухтасар шарҳидаги кўзга кўринмас нарсаларни очдим, пардаларни кўтардим, шарҳлаш жараёнида ўзимга ва ҳаким устозларимга ишоралар қилдим, устозларимнинг фикрларига итоат қилдим, унинг фойдалари ҳақида ўзимга мушарраф бўлганларини тартибга солдим”⁷.

“Ал-Мустасфо” асари ҳанафий фикҳига оид муҳим манба сифатида кенг тарқалган ва унинг

қўллаб қўлёзма нусхалари бугунги кунгача етиб келган бўлиб, дунёнинг турли кутубхоналарида сақланади. Жумладан, Саудия Арабистони кутубхонаси “Оли байт” фихрестининг ўзида асарнинг 38 та қўлёзма нусхаси борлиги қайд этилган. Шунингдек, бошқа мамлакатларда асарнинг 15 та қўлёзма нусхалари мавжуд бўлиб, улардан 2 таси Туркиянинг Истанбул шаҳридаги “Мониса” ва “Коро Жалабий Зода” кутубхоналарида, 5 таси БАА даги “ал-Мажид” марказида, 4 таси Ар-Риёдаги “ал-Малик” марказида, яна бир нусхаси Ар-Риёдаги “ал-Малик Абдулазиз” кутубхонасида, қолган 3 та нусхаси эса Саудия Арабистони “Жомийат ал-Имам” кутубхонасида сақланади⁸.

Бу асарнинг 209 вароқдан иборат бир нусхаси ЎзР ФА Шарқшунослик институтида № 3215-рақами билан сақланмоқда. Ушбу қўлёзма ҳалигача ўрганилмаган. Бу қўлёзма нусхаларни ўрганиш ва дунёнинг турли кутубхоналарида сақланаётган нусхалари билан қиёсий таҳлил қилиб, илмий-танқидий мақола тайёрлаш мумкин.

Лекин замонавий мусулмон олимларидан бири доктор Абдуллоҳ ибн Муслиҳ Самолий томонидан “ал-Мустасфо” асарнинг ибодат қисми тадқиқ этилиб, 2011 йилда нашр этилган⁹.

Асарнинг қўлёзма нусхаларида унинг номи “Шарх ан-нофеъ”, “Шарх ал-фикх ан-нофеъ”, “ал-Мустасфо”, “ал-Мустасфо шархун нофеъ” ёки “ал-Мустасфо шарх ал-фикх ан-нофеъ”, деб ҳам келган. Баъзи нусхаларда “ал-Мустасфо мин ал-муставфо” деб ёзилган. Баъзи нусхаларда эса “ал-Мустасфо фий ал-фуруъ”, деб номланган бўлиб, бу асарнинг алоҳида таълиф этилган китоб сифатида тушунилганидан далолат беради.

Бундан ташқари “ал-Фикх ан-нофеъ” асарига олимлар томонидан яна қўллаб шарҳлар, асардаги сўз ва ибораларга кейин аср

⁵ Исмоил Пошо ибн Муҳаммадамин Бағдодий. “Изоҳ ал-макнун фий аз-зайли аъла кашф аз-зунун аън асоми ал-кутуб вал-фунун” асари. – Байрут: Дор ихё ат-тарос ал-арабий нашриёти, 2008. – Ж 2. – Б. 616.

⁶ Шайх Вафо. Атиф Афанди китоблари рўйхати. – Истанбул: Султон Ҳаммодзода, 1310/1893. – Б. 59

⁷ Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Сад ибн Оли Сад Ғомидий. Ҳофизуддин Абдуллоҳ ибн Аҳмад Насафийнинг “ал-Мустасфо” асари ибодат қисми тадқиқи. – Ар-Риёд: Уммул қуро, 2011. – Ж.1. – Б. 61.

⁸ Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Сад ибн Оли Сад Ғомидий. Ҳофизуддин Абдуллоҳ ибн Аҳмад Насафийнинг “ал-Мустасфо” асари ибодат қисми тадқиқи. – Ар-Риёд: Уммул қуро, 2011. – Ж.1. – Б. 100-101.

⁹ Қаранг: Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Сад ибн Оли Сад Ғомидий. Ҳофизуддин Абдуллоҳ ибн Аҳмад Насафийнинг “ал-Мустасфо” асари ибодат қисми тадқиқи. – Ар-Риёд: Уммул қуро, 2011. – Ж.1. – 1122 Б

олимлари томонидан изоҳлар ва қўшимчалар киритилиб тартибга солинган бўлиб, уларга куйидагиларни мисол келтириш мумкин:

Аҳмад бин Умар Маҳмуд Насафий (ваф. 562 х./1167)нинг “ал-Мановий фий ал-фавоид ан-нофеъ” номли шарҳи. Бу олим Нажмуддин Умар Насафий (ваф. 537 х./1142 й.)нинг ўғли эканлиги ҳақида маълумотлар келтириб ўтилган. Унинг 664 х./1267 йилда қўчирилган қўлёзма нусхаси “Исмоил Пошо” кутубхонасида сақланади¹⁰.

Имом Абдулхолиқ Ғиждувоний (ваф. 575/1179) шарҳи. “Шарҳ ал-фикҳ ан-нофеъ” ва “Талхиз Ғиждувоний” номи билан маълум. Асарнинг қўлёзма нусхалари Туркиянинг Истанбул шаҳридаги “Домад Зода” кутубхонасида №. 846847 сақланади¹¹.

Аҳмад ибн Умар ибн Муҳаммад Насафий (ваф. 665 х./1267 й.)нинг шарҳи. У “ал-Мановий фий ал-Фавоид ан-нофеъ” деб номланади. Бу қўлёзманинг мавжуд нусхалари ҳақида маълумотлар етарли эмас.

Муҳаммад бин Илӛс Моймарий (ваф. 751 х./1350 й.) томонидан ҳам асарга шарҳ. У ҳақида Абул Баракот Насафий “ал-Мустасфо” асарида айтиб ўтади¹².

*Саъдуддин Масъуд бин Умар Тафтазоний (ваф. 792/1391 й.) ҳам бу асарга шарҳ ёзгани баъзи китобларда айтиб ўтилган*¹³. “Шарҳ ал-фикҳ ан-нофеъ” ва “Талхиз Тафтазоний” номи билан асар қўлёзмаси Туркиянинг Истанбул шаҳридаги “Домад Зода” кутубхонасида №. 848 сақланади¹⁴.

Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Жалолиддин Муҳаммад Султон (ваф. 740 х./1340 й.)нинг шарҳи. “Шарҳ ан-нофеъ” номи билан табақот

китобларида зикр этилган¹⁵. Аммо бу шарҳнинг қўлёзмалари сақланиб қолмаган.

Абдураҳмон ибн Абдуллоҳ Ҳалабийнинг “ал-Ходим фий ҳалла алфази Аби ал-Қосим” номли шарҳи. Асарнинг қўлёзма нусхаси “Авкоф Бағдод” кутубхонасида № 13824 инвентар рақаами билан сақланади.

*Аҳмад ибн Али Ҳамадоний (ваф. 755 х./1354 й.) ҳам асарга “Наз ан-нофеъ” номи билан тартибга солгани ва баъзи ўзгартиришлар асосида изоҳлаганлиги ҳақида маълумотлар келтириб ўтилган*¹⁶.

*Абу Бакр Муҳаммад ибн Маҳмуд Ҳамавийнинг “ал-Ҳодий ли ал-бодий” асари ҳам “ал-Фикҳ ан-нофеъ”га ёзилган шарҳлардан бири эканлиги таъкидланади*¹⁷. Шунингдек, юқорида айтиб ўтганимиздек, Сулаймония кутубхонасининг “Домад Иброҳим” фондида “ал-Фикҳ ан-нофеъ” асарининг Олим шайх бин Ҳасан бин Али Муҳаммад томонидан 704 х./1305 йилда қўчирилган нусхаси № 666 остида сақланади. Шу манба ичига Абу Бакр Муҳаммад ибн Маҳмуднинг “ал-Ҳодий ли ал-бодий” асари ҳам қўшимча ёзилган. Бу ҳақида Доктор Иброҳим ибн Муҳаммад “ал-Фикҳ ан-нофеъ” асаридаги сўз ва ибораларга кейин давр олимлари томонидан шарҳлаш масъулияти юзага келди. Шу сабабли ҳам “ал-Ҳодий ли ал-бодий” асари билан “ан-Нофеъ” асаридаги сўзларга изоҳ сифатида бир қўлёзмага жамланиб, ёзилганини кўришимиз мумкин¹⁸.

Шунингдек, замонавий мусулмон олимларидан бири Доктор Иброҳим ибн Муҳаммад Аббод асарнинг қўлёзма нусхаларини илмий тадқиқ этиб, мухтасар манба сифатида

¹⁰ Исмоил Пошо ибн Муҳаммадамин Бағдодий. Изоҳ ал-макнун фий аз-зайли аъла кашф аз-зунун аън асоми ал-кутуб вал-фунун. – Байрут: Дор ихё ат-тарос ал-арабий, 2008. – Ж 2. – Б. 616.

¹¹ Саййид Яъқуб Бакр. Тарих ал-адаб ал-арабий. – Қоҳира: Дор ал-маъориф, 1119 х./1698. – Ж 6. – Б. 351.

¹² Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Сад ибн Оли Сад Ғомидий. Хофизуддин Абдуллоҳ ибн Аҳмад Насафийнинг “ал-Мустасфо” асари ибодат қисми тадқиқи. – Ар-Риёд: Уммул қуро, 2011. – Ж.1. – Б. 30.

¹³ Саййид Яъқуб Бакр. Тарих ал-адаб ал-арабий. – Қоҳира: Дор ал-маъориф, 1119 х./1707. – Ж 6. – Б. 351.

¹⁴ Домадзода Муҳаммад Қозий Аскар Мурод китоблари. – Истанбул, Туркия: Дор саодат, 1331 х./1884. – Б. 70.

¹⁵ Ҳожи Халифа Мустафо ибн Абдуллоҳ. Кашфуз зунун ан асмаил кутуб вал фунун. – Байрут: Дор ахё ат-тарос ал-арабий, 1941. – Ж 2. – Б. 1922.

¹⁶ Абдулҳай Лакнавий. Ал-Фавоид ал-баҳийя фий тарожим ал-ҳанафийя. – Миср: Матбаат ас-саодат, 1324 х./1906. – Б. 126.

¹⁷ Қаранг: Абулфидо Зайнулдин Қосим ибн Қутлубуғо Судуний. Тож ат-тарожим. – Байрут: Дор ал-калам, 1992. – Б. 65.

¹⁸ Иброҳим Аббод. Абулқосим Носирулдин Муҳаммад ибн Юсуф Самарқандийнинг “ал-Фикҳ ан-нофеъ” асари тадқиқи. – Ар-Риёд. Мактабат ал-абикон, 2000. – Ж 1. – Б. 61.

2000 йилда Ар-Риёда нашр этилади¹⁹. Ушбу нашрда тадқиқотчи асарнинг энг қадимий уч нусхаси асосида унинг араб тилидаги замонавий матнини шакллантирганлигини айтиб ўтади.

Умуман олганда, “ал-Фикҳ ан-нофеъ” асари 555 х./1160 йил – муаллиф ҳаётининг сўнгги йилларида ёзилган бўлиб, унинг вафотида сўнг ҳанафий фикҳи назариясидан асосий китоб сифатида бир неча асрлар мобайнида толиби илмларга дарс берилган, унга кўплаб ҳанафий олимлар томонидан шарҳ ва изоҳлар битилган ҳамда кейинги асрларда мазҳаб фикҳига оид китобларни таълиф этишдан у асардан истефода этилган²⁰.

Асарнинг умумий тузилиши 64 та китоб (бўлим), 53 та боб ва катта-кичик 146 та фасллардан иборат. Асар “Китаб ат-таҳорот” (Таҳорат китоби)дан бошланиб, “Китаб ал-хунаса” (Хунаса китоби) билан якунланган. Айрим қўлёзмаларда асар “Китаб ал-фароиз” (Мерос китоби) ёки “Китаб ал-васоя” (Васиятлар китоби) билан тамомланган. Ҳар бир китобга, баъзан боб ва фаслларга ҳам, унда баён этилган мавзунини ифодаловчи номлар берилган.

Асарнинг аҳамияти борасида Абдулҳай Лакнавий: “Олимнинг фикҳ илмида ёзилган “ан-Нофеъ” асари ўзи мухтасар бўлишига қарамадан, Аллоҳ таоло уни кўпчиликка фойдали ва манфаатли китоб қилган²¹”, деб таъриф беради.

Ромиший Бухорий: Бу китоб ўз номига мувофиқ манфаатли асардир, дея таъкидлайди²².

Бугунги кунда “ал-Фикҳ ан-нофеъ” асарининг дунё бўйлаб тарқалган ўттиздан ортиқ қўлёзма нусхалари маълум ва машҳур. Бу

қўлёзмалар дунёнинг энг йирик кутубхоналарида сақланади. Жумладан, Ирландия, Германия, Туркия, Сурия, Тунис, Саудия Арабистони кутубхоналарида асарнинг қўлёзма нусхалари борлиги аниқланган²³. Шунингдек, ЎзР ФА Шарқшунослик институтида асарнинг иккита қўлёзма нусхаси сақланади.

“Ал-Фикҳ ан-нофеъ” асари қўлёзма нусхаларининг аксарияти тўлиқ ҳолатда, чиройли кўринишда сақланиб қолган бўлиб, асосан, XIX асарларда ёзилган қўлёзма нусхалар саналади. Асарнинг номи унинг қўлёзма нусхаларида “كتاب النافع” – “Китаб ан-нофеъ” ёки “كتاب النافع في الفقه” – “Китоб ан-нофеъ фий ал-фикҳ” ё “النافع” – “ан-Нофеъ” каби номлар билан ёзилган бўлишига қарамадан, унинг “الفقه النافع” – “ал-Фикҳ ан-нофеъ”, деб номланган исми кенг тарқалган.

“Ал-Фикҳ ан-нофеъ” асари қўлёзма нусхаларининг дунё бўйлаб кенг тарқалгани ва уларнинг сақланиб қолган нусхалари сони ўша даврда ёзилган манбаларнинг сақланиб қолган сонига нисбатан кўпроқ эканлигини инобат олиб айтиш мумкинки, асар ўз даврида ва кейин аср Ҳанафий уламолари ва ўқувчилари томонидан ўрганилган ва ундан истефода этилган.

Бугунги кунга келиб ҳанафий фикҳига оид асарларни, хусусан, “ал-Фикҳ ан-нофеъ” асари ва унга ёзилган шарҳларни тадқиқ этиш ижтимоий ҳаётдаги масалаларга жавоб топишда муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, Аллома Али ибн Муҳаммад Ромиший Бухорийнинг ибратли ҳаёти ва илмий меросини ёшларга етказиш уларни комил инсон қилиб тарбилашда дастурул амал бўлиб хизмат қилади. Қолаверса, олим асарларининг мавжуд қўлёзмаларини аниқлаб уларни ўрганиш исломшунос ва манбашунос тадқиқотчиларнинг олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шу жумладан, Бухорийнинг “ал-Манофеъ фий ал-фавоид ан-нофеъ” асарининг мавжуд қўлёзмалари ҳам тадқиқ этишга муҳтож.

¹⁹ Қаранг: Иброҳим Аббуд. Абулқосим Носируддин Муҳаммад ибн Юсуф Самарқандийнинг “ал-Фикҳ ан-нофеъ” асари тадқиқи. – Ар-Риёд. Мактабат ал-абикон, 2000. – Ж 1.2.3.

²⁰ Абулфидо Зайнулдин Қосим ибн Қутлубуғо Судуний. Тож ат-тарожим. – Байрут: Дор ал-қалам, 1992. – Б. 230.

²¹ Абдулҳай Лакнавий. Ал-Фавоид ал-баҳийя фий тарожим ал-ҳанафийя. – Миср: Матбаат ас-саодат, 1324 х./1906. – Б. 219220.

²² Ҳанафий фикҳи тарихи, манбалари ва истилоҳлари [Матн] (Фикҳ фанидан ўқув қўлланма) / Муаллифлар: Аминов Х., Примов С.; масъул муҳаррир: Шайх Абдулазиз Мансур. – Т.: Мовароуннаҳр, 2017. – Б. 170

²³ Иброҳим Аббуд. Абулқосим Носируддин Муҳаммад ибн Юсуф Самарқандийнинг “ал-Фикҳ ан-нофеъ” асари тадқиқи. – Ар-Риёд. Мактабат ал-абикон, 2000. – Ж 1. – Б. 3355.